

# Ishonch

2019 йил 5 сентябрь • пайшанба • № 108 (4237)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сарлигида 4 сентябрь кун жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масаласига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда бу борада ҳам жуда кўп ишлар амалга оширилди. Соҳалари бошқаришда такомиллаштириш мақсадида жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташкил этилди. 2019-2023 йилларда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини ўтказиш тизими жорий этилди.

Беш ташаббус ҳамда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида спорт объекти қуришга йўналтирилди, ёшлар спортга фаол жалб этилмоқда. Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиби бўлган 204 нафар спортчи туман ва шаҳарларга бириктирилди, айримларининг спорт мактаблари очилди.

Юртимиз вакиллари ўтган йилги Осиё ўйинларида жами 70 та, жумладан, 21 та олтин, 24 та кумуш ва 25 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 5-ўринни эгаллади.

Жорий йилнинг ўтган даврида эса халқаро мусобақаларда жами 442 та, жумладан, 145 та олтин, 134 та кумуш ва 163 та бронза медали қўлга киритилди.

Йиғилишда бундан кейинги мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш, бунинг учун жойларда зарур шароит яратиш масалалари муҳокама этилди.

2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик аҳоли қоникарли эмаслиги, қатор спорт федерациялари ва ҳокимликлар юқори натижаларни таъминлайдиган спортчиларга шароит яратишга етарлича эътибор бермаётгани танқид қилинди.

Миллий Олимпия кўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги саралаб олинган спортчиларнинг яқин оғаллаб, Олимпиядага лицензияни қўлга киритишлари учун янада кенг шарт-шароит таъиниш бўйича кўрсатмалар берилди.

Албатта, моддий-техник база муҳим. Лекин натижани истеъдодли спортчи таъминлайди. Бундай ёшларни топиш учун эса кучли селекция тизими зарур.

2 >

### Муносабат

## Таълим тизимида тарихий ўзгаришлар

Яқинда Президент раислигида ўтказилган халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод манавиятини юксалтириш масаласига бағишланган видеоселектор йиғилиши жамиятимиздаги барча зиёлиларни, раҳбарлар-у мутасаддиларни, айниқса, педагогларни ҳаёт ва фаолиятга янгича нигоҳ билан қарашга ундаётгани бор гап.

Қўхна тарихдан маълум, ўқитувчини хурмат қилган жамият ҳамisha тараққиётга эришган. Халқ ўртастидега эришган. Халқ ўртастидега эришган. Халқ ўртастидега эришган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу мақом яна ўз ўрнига қайтмоқда. Ўқитувчига хурмат-эътибор ошди, уларнинг мавқени юксалтириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳри Шайхонтохур туманидаги 40-умумтаълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқи-



Тургун АЗХАРОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони

тувчиси, педагогика фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Тургун Азхаров билан суҳбатимиз шу мавзуда кечди:

— Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг тизимга оид 6 та фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори қабул қилинди. Натижада соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари муштамлашиб, тизимда ривожланиш ва сифат ўзгариши кузатилмоқда. Очигани айтиш керак, бундақис аввал бўлмаган.

2 >



## Сабоқлар Мустақиллик дарси билан бошланди

2019 йил 4 сентябрь. Юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида янги ўқув йили бошланди. Биринчи қўнғироқ садоларидан сўнг, «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» шиори остида Мустақиллик дарси бўлиб ўтди.

Эътибор қилган бўлсангиз, янги ўқув йилида ўзгача руҳ ҳукм сурмоқда. Яъни, таълимни тубдан такомиллаштириш, билим бериш сифатини янги асосга қуриш, педагоглар меҳнатини қадрлашга

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим тизимида тарихий ўзгаришлар бошланди. Жумладан, 10-11 синфлар тикланди, дарсликларнинг янги авлоди

нашрдан чиқди, бошланғич синфлар учун 5 кунлик ўқиш ҳафтасига ўтилди.

Президентимизнинг 23 август куни бўлиб ўтган видеоселектордаги хайрли ташаббуси натижаси ўлароқ, барча раҳбарлар ўзлари фаолият кўрсатадиган ҳудудлардаги умумтаълим мактабларида Мустақиллик дарсини ўтишди.

2 >



## Янги ўқув йилига янги бино...



Чирчиқ давлат педагогика институтининг янги ўқув йилига таъмирланган байрам тадбири институт жамоаси учун ҳар галгидан ўзгача ва қувончли кечди. Сабаби, тадбир асоси таълим муассасаси учун ҳаётда талабалар учун «5 ташаббус Маркази»нинг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Институт талабалари, ходимлар, профессор-ўқитувчилар билан бирга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, турли ҳамкор идора ва ташкилотлар вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда институт ректори Ғофиржон Муҳамедов, Ўзбекистон

халқ шоири Маҳмуд Тоир, Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари Жаҳонгир Матқаримов ва бошқалар барчани мустақилликнинг 28 йиллиги ҳамда янги ўқув йили билан табриклаб, жамоани янги қурилган замонавий ўқув биноси очилиши билан қутлади.

2 >

## МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ – ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

### «Эргашувчи эмас, эргаштирувчи куч бўлишимиз керак!»

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ билан суҳбат

— Муҳтарам муфтий ҳазратлари! Президентимиз Шавкат Мирзиёев маънавият ва маърифат масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Яқинда ўзингиз бевосита гувоҳи бўлганингиздек, давлатимиз раҳбари Самарқандга ташрифи чоғида Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиб, Ҳадис илми олий мактаби фаолиятини такомиллаштириш, заруриятини алоҳида таъкид қилди. Ушбу мажмуа, луман, маънавият даргоҳларининг бунёд этилиши халқимиз ҳаётида нақадар муҳимлиги ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда барча соҳалар қатори диний-маърифий жабҳада ҳам аҳамияти беқиёс ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси, аввало, халқимизни рози қилиш, тинч ва фарвон ҳаётга эришишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



3 >



Президент «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунни имзолади.

Давлатимиз раҳбари «Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни имзолади.

Ўзбекистон ва Хитой давлат раҳбарларининг келишувига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов бошчилигидаги делегация ХХРга ташриф буюрди.

Ботир Зокиров қурилиш вазири лавозимига тасдиқланди.

Дилшод Эшнаев Дин ишлари бўйича кўмита раисининг ўринбосари – Диний ижтимоий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлил маркази директори лавозимига иш бошлади.

«Тошхавтарансхизмат»АЖ ва Беларуснинг «Белкоммунмаш» компанияси ўртасидаги ўзаро меморандумга асосан пойтахт жамоат транспортидан тинч тарихий ҳаракатланиш учун Тошкент шаҳрига бир дона электробус келтирилди.

Бу йилги ҳаж мавсумида Ўзбекистон ҳожиларга яратилган шарт-шароитлар бўйича муқаддас ибодатни юқори даражада ташкил этидиган биринчи бешлик давлатлар рўйхатидан жой олди.

uza.uz

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

41 Аммо жойларда ташкил этилаётган мусобақалар сони ва савияси ҳозирча талабга жавоб берадими. Мисол учун, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Тошкент, Хоразм, Фарғона ҳамда Қашқадарё вилоятларидаги 131 та шаҳар ва туманда жорий йилги мусобақаларни молилаштиришга маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилмаган. Ўшар республика миқёсида ўтказилган 230 та мусобақада айрим шаҳар ва вилоят жамоалари умуман иштирок этмаган. Бу миллий терма жамоалар таркибига маҳоратли спортчиларни саралаб олишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис йиғилишда ҳудудлардаги ҳар бир спорт муассасасини ҳатловдан ўтказиб, спорт захирасини шакллантириш, селекция ва истеъдодли спортчиларни танлаб олиш тизимини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Маълумки, спортчиларнинг тез тикланиб олишлари учун фармакологик кўмак зарур. Лекин юртимизда спорт фармакологияси бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, янги дори воситаларини яратиш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмаган. Бу соҳада малакали мутахассислар ҳам йўқ. Кўпчилик атлетлар допинг бўлмаган қандай моддалардан фойдаланиш мумкинлигини билмайдди.

Спорт федерацияларининг бирортасида ҳам терма жамоа аъзоларининг мусобақага тайёргарлиги ва тикланиш жараёнини мониторинг қилиш бўйича комплекс лаборатория мавжуд эмас. Шулардан келиб чиқиб, тегишли вазир-

ликларга спорт фармакологиясини ривожлантириш, спорт федерацияларида илмий-комплекс лабораториялар ташкил этиш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Хорижий давлатлар тажрибаси асосида Олимпия ўйинларига тайёргарлик қўриш бўйича ягона марказ барпо этиш таклифи илгари сурилди.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ҳамда Республика спорт тиббиёти маркази фаолиятини такомиллаштириш, бу борадаги ўқув дастурлари ва методологияни янгилаш, спортчиларнинг тайёргарлик жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида аҳолини, айниқса, ёшларни оммавий спортга кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда, аввало, умумтаълим мактабларидаги шартит, муҳит катта ўрин тутади. Лекин мактабларда ўқувчилар жамоавий спорт ўйинларига тўлиқ жалб этилмапти. 2 мингдан зиёд мактабда спорт зали йўқ, 3 мингдан ортиғи эса таъмирталаб.

Спортга ихтисослашган мактаб-интернатларда ҳам камчиликлар бор. Масалан, Тилоқ, Шароф Рашидов, Бухоро, Учқўрғон, Денов туманлари, Наманган, Қарши ва Андижон шаҳарларидаги шундай мактабларда спорт зали, ётоқхона, ўқув бинолари етишмайди.

Болалар ва ўсмирлар, Олимпия заҳиралари ва олий спорт маҳорати мак-

таблари тренерларнинг олий ҳақи умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчиларига нисбатан деярли 2 баробар паст. Ўз навбатида, тренерларнинг 51 фоизи ўрта махсус маълумотга эга, 2 мингдан ортиқ олий маълумотли мураббийларга эҳтиёж мавжуд.

Олий таълим муассасаларидаги спорт иншоотлари талабаларнинг қарийб 50 фоизини қамраб олиш имкониятига эга бўлса-да, амалда 21 фоиз талаба-ёшлар спорт тадбирларида қатнашмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимиз бўйича 12 мингдан ортиқ спорт иншооти мавжуд бўлиб, уларнинг бир кунлик қуввати қарийб 1,5 миллион кишини ташкил этади. Яъни, аҳолига нисбатан спорт иншоотлари билан таъминланиш даражаси 4,5 фоиздан ошмайди. Хусусан, бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 3,4 фоиз, Сурхондарё вилоятида 3,5, Андижон вилоятида 3,7 фоиздир.

Бундай аҳволда спортни қандай қилиб оммалаштириш мумкин, дея савол қўйди Президент.

Йиғилишда шу каби муаммоларни босқичма-босқич бартараф этиш, бунинг учун зарур маблағ ва ресурслар йўналтириш масалалари муҳокама қилинди.

Умумтаълим муассасаларида спорт объекти қуриш ва таъмирлаш, уларни замонавий спорт анжумлари билан жиҳозлаш, ихтисослашган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида спорт

мусобақалари ва жисмоний тарбия фанидан олимпиада ташкил қилиб, уларда ғолиб бўлганларни олий таълим муассасаларига квотадан ташқари имтиёзли асосда қабул қилиш ҳамда уларга спорт тоифаси бериш масаласи қўриб чиқилди. Шунингдек, бундай ёшларни тайёрлаган жисмоний тарбия ўқитувчилари иш ҳақига қўшимча устама, юқори тоифа ва унвонлар бериш таклиф этилди.

Соҳа учун кадрлар тайёрлаш қамровини кенгайтириш, интенсив малака ошириш платформасини йўлга қўйиш, мураббийларга талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил қилиш юзасидан тавсиялар берилди.

Олий таълим муассасаларини, имконияти ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, маълум бир спорт турларига ихтисослаштириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Бу талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш борабариди, спорт федерациялари билан ҳамкорлик орқали профессионал спортга маҳоратли ёшларни саралаш имконини беради.

Мутасаддиларга олий таълим муассасалари ва туман (шаҳар)ларни аниқ спорт турларига ихтисослаштириш, юқори спорт натижаларига эришган ёшларни ва жисмоний тарбия ўқитувчиларини рағбатлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа мутасаддилари ва ҳокимлар ахборот берди.

## Муфассал тушунча берилди

Бугуннинг гапи

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши тумани кенгаши мажбурий меҳнатга жалб қилишларнинг олдини олишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Тадбирда туман халқ таълими бўлимига қарашли 69 та умумтаълим мактаби раҳбарлари, бошланғич касабалик уюшма кўмитаси раислари, мактабгача таълим муассасалари мудирилари қатнашди.

Қайд этилдики, таълим муассасаларида юзага келаётган мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳолатлар, айниқса, педагог ходимларни меҳнат таътилдидан қақриб олиб, турли таъмирлаш, ободонлаштириш ишларига жалб этиш ўта ачинарли ҳолат. Ўқитувчилар иш ўринларини йўқотишдан қўриқиб, ўз хоҳишини билан мактабга келиб, «Ободонлаштириш ишларига қарашдим», «Ҳеч ким мажбурламади», дея тушунтириш беришлари, улар хоҳлаган тақдирда ҳам «Меҳнат шартномаси» ва «Лавозим йўриқномаси»дан

ташқари ҳар қандай ишни қилишлари керак эмас, бу мажбурий меҳнат ҳисобланади. Мана шу каби иш беворучи раҳбарлар билан лозим бўлган муҳим маълумотлар йиғилиш иштирокчиларига тушунтирилди.

Йиғилишда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш ва қатъий таъминланиш юзасидан ўтказилган мониторинг жараёнини кучайтириш, иш беворучилар билан мазкур масалада тарғибот-ташвиҳот ишларини кенг йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир асосида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Умид МУСТАЕВ,  
Таълим, фан ва маданият ходимлари касабалик уюшмаси Қарши тумани кенгаши раиси

41 Мен ўзининг 45 йиллик меҳнат фаолиятимни уч даврга бўлиб, улар ҳақида уч хил фикр билдиришим мумкин. Мустақилликкача бўлган даврда халқ таълимига қандай муносабатда бўлинганлигини ўша пайтда ишлаганлар жуда яхши биледи. Ўшанда мактабларда ўзбек тили ва адабиёти ҳамда тарихидан кўра, рус адабиёти ва тарихи кўпроқ ва кенгроқ ўргатилар эди. Натижада ўқувчилар касб мавзусида иншо ёзганда аксарияти «Мен келажакда ўқитувчи, шифокор, ҳайдовчи ёки қурувчи бўламан» деб ўз орзу-

тириш борасида қўйган қатор талаблари, биринчи навбатда, ўқитувчиларга сизлаб муносабат қилиш зарурлиги ҳақидаги талаби ёқди. Тўғри-да, ўша раҳбарни ҳам муаллим ўқитган, унга таълим-тарбия берган. Шундай экан, раҳбарлар уларнинг ҳурматини жойига қўйиши керак.

Соҳада амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга қарама-қарши, таълим тизимида ҳамон муаммолар борлиги йиғилишда очик-ойдин айтилди. Камчиларни тузатиш, таълим сифатини назорат қилиш учун ота-оналар, кенг жамоатчиликнинг

## Янги ўқув йилига янги бино...

41 Шундан сўнг талабаларга қабул қилинган ёшлар ва уларнинг ота-оналари сўзга чиқиб, ёшларга, таълимга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун ўз миннатдорчиликларини ифода қилишди.

— Ўзим бу йил шу институт талабаси бўлди, — дейди Умринисо Ҳайитова. — Бугун таълим даргоҳида талабаларнинг билим олиши учун яратилган шарт-шароитларни кўриб беҳад мамнун бўлдим. Илоҳим, фарзандларимиз ушбу даргоҳда сифатли билим олиб, келгусида юртимизга, халқимизга хизмат қиладиган етук кадрлар бўлиб етишсин.

Очилиш маросими якунлангач, меҳмонлар янги ўқув биносидagi шароитлар, ўқув хоналари, спорт зали, фаоллар зали, ахборот-ресурс маркази билан танишдилар.

Янги ташкил этилган «5 ташаббус маркази»да ёшларнинг мусика, расмоччилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга йўналтирилган тўғрақарлар фаолият кўрсатмоқда.

Биринчи ташаббус бўйича фаоллар залида институт «Нихол» талаба театри жамоаси томонидан саҳналаштирилган

спектакль намойиш қилинди.

Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг қобилиятини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган иккинчи ташаббус бўйича спорт залида талаба-ёшлар томонидан гимнастрада ўйинлари намойиш этилди.

Учинчи ташаббус — аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган ишлар юзасидан «Ахборот технологиялари билимдон» танлови бўлаётгани, тўртинчи — ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича ахборот-ресурс марказида шеърхонлик кечаси ва янги китоблар тарғиботи уюштирилгани меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Бешинчи ташаббус бўйича меҳмонлар талаба-қизларнинг бир қатор тўғрақарларда яратилган ижод намуналари билан танишдилар.

Тадбир якунида иқтидорли ва ижодкор талаба-ёшларнинг Чирчиқ давлат педагогика институтининг икки йиллигига бағишланган бадиий чиқишлари намойиш этилди.

Ўз муҳбиримиз

## Юқори кайфият билан...

Эътибор

Таълим тизими ходимларини рағбатлантириш, уларда ишчанлик кайфиятини кўтариш мақсадида Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси тизимидаги бир гуруҳ фаол ўқитувчилар учун вилоят касабалик уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан кўчма Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди.

— Саёҳат ўқитувчиларга яна бир қарра эътибор намунаси бўлди, — дейди вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ўқитувчиси Насиба Юнусметова. — Саёҳат давомида ҳамкасблар билан суҳбатлашиб билдимки, ҳар биримиз ўз зиммамиздаги масъулиятни ҳар галгидан кўра жиддийроқ, фахрлашмоқдамиз.

Икки кунлик саёҳат давомида муаллимлар Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди. Ўзбекистон касабалик уюшмалари Федерациясига қарашли «Нодир — Самарқанд» меҳмонхонаси мижози бўлиб, яратилган шароитлардан мамнуният изҳор этилди.

Ўзода МАМАДАЛИЕВА,  
«ISHONCH»

## Таълим тизимида тарихий ўзгаришлар

ларини баён қилишарди. Уларнинг ҳеч бири «мен космонавт, дипломат бўламан» дейишмасди. Нега? Негаки, уларга ўзимизники ёт, ўзгаларники ёд бўлиб бораётган эди.

Мустақиллик йилларида халқ таълими тизимига жиддий эътибор қаратилиб, қатор ислохотлар, лойиҳалар амалга оширилди. Аммо, бу эътибор ва ислохотлар юртимиздаги барча мактабларга етиб бормади. Талаб ва назоратнинг сустиглиги учунми, энг чекка ҳудудлардаги мактаблар аввалгича қолаверди. Шундай мактаблар бор эдики, уларга ҳоким тугул туман халқ таълими бўлими мудири бормаган эди.

Мураккаб ўтиш йилларида мактаблардаги маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи касбининг обрўи, нуфузи пасайиб кетган вақтлар ҳам бўлди. Натижада баъзи ўқитувчилар ўз касбини ўзгартириб, бошқа соҳага ўтиб кетди.

Бугунга келиб халқ таълими тизимига бўлган муносабат ва эътибор тубдан ўзгарди. Масалан, яқинда Президент раислигида ўтказилган халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакасини ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод манавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишини олиб кўрайлик. Унда давлатимиз раҳбарини билдирган танқидий ва таҳлилий фикрлар шундан далолат берадики, бундан буён педагогларга бўлган муносабат умуман ўзгарди.

Шахсан менга Президентимизнинг вилоят ва туман раҳбарларига соҳани ривожлан-

иштираки зарурлиги алоҳида таъкидланди. Йиғилишда ўқитувчининг мақоми ва нуфузини ошириш, ҳуқуқлари ва имтиёзларини кенгайтириш масалаларига алоҳида уқтириб ўтилди.

«Мактаб ўқитувчисини моддий рағбатлантирмасак, унинг ҳаёт сифати даражасини оширмамасак, ислохот, натижа ҳақида гапирга олмаймиз», деди Президентимиз.

Ҳақ гап. Ўқитувчи дарс пайтида уйи ва кўчадаги қандайдир муаммосини ўйлаб ўтирмаслиги керак. У бор диққат-эътиборини дарсга, болаларга савияли сабоқ беришга қаратиши зарур. Шундагина қутилаётган натижа самарали ва сифатли бўлади.

Мен видеоселектор йиғилишидан сўнг жамоадoshларим, яъни ўқитувчиларнинг руҳияти ва кайфиятини кузатдим. Улар бўлаётган эътибор ва ўзгаришлардан беҳад мамнунлигини, бундан буён янада талабчанлик ва фидойиллик билан фаолият кўрсатишга тайёрлигини ҳис этдим.

Ишонч билан айтишим мумкин, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, берилаётган имтиёз ва ҳуқуқлар, билдирилаётган ишонч ва ҳурмат тез орада ўз самарасини беради, албатта. Ўқитувчилар келажакимиз бунёдкорлари ҳамда ворислари бўлиши ёш авлод таълим-тарбиясига сидқидилдан ёндашиб, фидойиллик билан хизмат қиладди. Натижада, келгусида юртимиздан дунё тан оладиган мутахассислар етишиб чиқади.

«ISHONCH» муҳбири  
Алижон АБДУРАҲМОНОВ  
ёзиб олди

## Сабоқлар Мустақиллик дарси билан бошланди

41 Хусусан, халқ таълими вазири Шерзод Шерматов пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 238-умумий ўрта таълим мактабига, маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев Мирзо Улугбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига, Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўқувчилар билан мулоқотда бўлди ҳамда Мустақиллик дарсларини ўтиб берди.

Таъкидландики, келажак сари интилаётган ёшларнинг сифатли таълим олишлари учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратилмоқда.

Буни жойларда амалга оширилаётган ишларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Сирдарё вилоятида бу йил «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари бўйича 35 та мактаб таъмирланди. Шунингдек, 5 та янги мактаб биносининг қурилиш ишлари якунига етказилмоқда.

Вилоятнинг қатор ташкилот раҳбарлари, жумладан, вилоят касабалик уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов ҳам ўзи таълим олган Сардоба туманидаги 6-мактабда бўлди.

Шу кун Президентимиз ташаббуси билан Гулистон шаҳрида ташкил этилган Ҳалима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқур ўқи-

## Самарали меҳнат гарови

Спартакиада

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабалик уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган кўмитаси спортнинг 5 та тури бўйича спартакиада ўтказди.

Унда 100 нафардан зиёд бошланғич касабалик уюшма ташкилотлари раислари ва аъзолари қатнашди.

Баҳслар якуни бўйича 1-2-3-ўрин эгалари ҳамда «Спортни ривожлантиришдаги муносиб ҳиссаси учун», «Энг маҳоратли

ҳаваскор спортчи», «Ғалабага бўлган интилиши учун» номинациялари ғолиблари совғалар ва дипломлар билан тақдирланди.

Зоҳиджон ҚОДИРОВ,  
тармоқ ходимлари касабалик уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган кўмитаси раиси



тишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг илк қалдирғочлари янги ўқув йилини бошлади.

— Таълим даргоҳига 576 нафар ўғил-қизлардан аризалар қабул қилинган эди, — дейди мактаб-интернат директори Мухаммад Исмоилов. — Ижодий ва Давлат тест маркази ўтказган тест синовлари натижаларига кўра, уларнинг 120 нафари мактабимизга қабул қилинди. Таълим муассасамизнинг янги биноси жорий йилнинг тўртинчи чора-тадбирида фойдаланишга топширилди. Унга қадар ўқув жараёнида Гулистон қишлоқи касб-хунар коллежида олиб борилди.

Самарқанд вилоятида ҳам ўқувчи-ёшларга республикамизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, эришилган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани алоҳида таъкидланди, аниқ мисоллар келтирилди.

— Мустақиллик дарсларининг турли ташкилотларни бошқараётган раҳбарлар томонидан ўтилгани ўқувчиларда ҳар қачонгидан кўра катта қизиқиш уйғотди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касабалик уюшмаси Нарпай тумани кенгаши раиси Мухаммади Жумаев. — Ватан ва унинг мустақиллигини шунчаки ифодалаб бўлмайди. Унинг таърифи ҳар бир тил, ҳар бир қалб ва шуурда турли кўринишда, ўзига хос оҳангда ифодланади. Шу боис, ўқув йили бошланишидаги биринчи дарс, ўйлашмики, хотираларда мангу муҳрланди.

Шу кун юртимиздаги барча мактабларда улғу даргоҳ оstonасига илк қадам

қўйган болажонларга Президентимизнинг совғалари топширилди. Кези келганда, алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йил «Президент совғаси» таркибидagi маҳсулотларнинг сифатига катта аҳамият берилди.

Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати маълумотига кўра, 620 мингдан зиёд ўғил-қиз илк бор мактаб оstonасига қадам қўйди. Имконияти чекланган 13 минг нафар бола ўз уйида таълим олишни бошлади. Анъанага кўра, уларга ҳам янги ўқув йили муносабати билан Президентнинг махсус совғалари — ўқув қуроллари топширилди.

Таълим тизими шу кунга қадар катта ўзгаришларга юз тутиб улгурди. Ўқитувчининг мақоми ва нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва имтиёзларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди, унда 48 та мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича аниқ механизмлар белгиланган. 2030 йилга бориб Ўзбекистоннинг ўқувчилар билимини баҳолаш бўйича «PISA» халқаро дастури рейтингига жаҳондаги етакчи 30 та мамлакат қаторидан жой эгаллаши мақсад қилиб қўйилган.

Бундай улғу мақсадга «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» шiori остида ўтган бугунги сабоқлар — Мустақиллик дарслари пойдевор бўлиши, шубҳасиз.

Ўзода РЎЗИКУЛОВА,  
«ISHONCH»

# МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ – ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

1 Ортимизда Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази, Халқаро ислом академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк алломаларимиз номидagi халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби ташкил этилгани Ислам илми янада раванқ топтиришга, муқаддас динимизнинг асл инсонпарварлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, маърифат ва эзгулик моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ва тарғиб этишга хизмат қилишини, мўмин-мусулмонларга янада

налари олдидаги бурчлари ва масъулиятларини, афсуски, кўпчилик теран англамайди. Биланлар ҳам бунга унчалик эътибор қаратишмайди. Диний идора бу масалани одамларга тушунтиришда қандай йўл тутаяпти? – Ислам динида оила ва фарзанд тарбияси катта эътибор қаратилади. Ҳазрат Пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайҳи ва саллам: «**Кишининг ўз фарзандини чиройли одоб-ахлоқ билан тарбиялаши кўп муқдорда қилган нафл са-**

дир. Атир сотувчи ё сенга хушбўйлик суртиб қўяди, ё ундан хушбўйлик сотиб олсан, ё ундан келаятган хушбўй хиддан баҳра олсан. Темирга дам урувчи эса ё кийимининг бир четини куйдириб қўйиши мумкин ё ундан келаятган кўланса хид димоғингни ачитади» (Имом Муслим ривояти). Ижод аҳли меҳнатининг нақадар машаққатли эканини англаган киши сифатида уларнинг саъй-ҳаракатини доимо қўллаб-қувватлайман. Диний идора барча ижодкорлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдираман.

публика маънавият ва маърифат маркази сериаллар намойишини тартибга солишда ҳамкорликда курашса, ташаббус билан чиқишса, миллат маънавиятини асраш йўлидаги энг яхши ишлардан бири бўлар эди... – Бугун қаршимизда ана шундай хатар турибди: кино санъати ниқобидagi беҳаёлик халқимизнинг ақли ва қалбини эгаллашга уринмоқда. Оқибатда, беҳаёлик аталмиш таназзул белгиси эпидемия каби жадал тарқалмоқда. Сиртдан қараганда, зарарсиз, замона зайлидек кўринган бу иллат аслида, барчамиз учун улкан мусибатдир.

Хорижда кино санъати маҳсулотларининг бозори чаққон бўлиши учун унга уятсиз унсурларни қўшиш одат тусига кирган. Фикримча, бу лавҳалар атайин телетомошабинларнинг онг остига таъсир кўрсатиш учун қўшилган. Нима бўлган тақдирда ҳам бу каби сериалларнинг намойишини тўхтатиш лозим. **Агар андиша қилиб, бу ҳолатга кўз юмадиган бўлсак, оқибатда бунинг бадали жуда оғир бўлади.** Мамлакат ва жамиятимизда халқ орасидаги ҳамжиҳатлик, ор-номус, ҳамиятни ич-ичидан емирадиган, соғлом фикр ва қарашларни ботқоққа ботирадиган бундай очикдан-очик таҳдидларга томошабин бўлиб турилгани ажабланарли. Миллий менталитетимиз, асл урф-одат ва қадриятларимизга мутлақ зид бўлган ушбу сериалларга ўз манфаатининг йўлаб бош-қош бўлган мутасаддиларни ҳамма нарсадан устун бўлган миллат маънавиятига эътибор қаратишга чақирамиз.

– **Хабарингиз бор, шу йил 23 август кунин Президентимиз раҳбарлигида халқ таълими тизимини ривожлантириш, ўқитувчилар малакаси ва нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда, жумладан, ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз.**

– Маълумки, давлатимиз раҳбари илгор фикрлайдиган, замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар. Муборак динимиз жамият асосининг пойдевори ва истиқболи бўлган ёшларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб етиштирилиши талаб қилади. Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам ҳадисларида:

«**Ким дунёни хоҳласа тижорат қилсин, кимки оҳиратни хоҳласа зоҳид бўлсин ва кимки иккисини ҳам хоҳласа илм олсин.** Яна бир ҳадиси шарифда: «**Илм Чин-Мочин (Хитой)да бўлса ҳам, уни излаб топиб, эгаллангиз. Зеро, илмни талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарзидир**», дейилган.

Тарихдан маълумки, улў боболаримиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Ибн Сино, Замахшарий, Мирзо Улуғбек барчаси моҳир, меҳрибон, талабчан устоздан таълим олган.

Халқимизнинг ибратли хусусиятларидан бири – бирор янги иш бошладан аввал унга билим, касб ўргатган устоздан дуо-фотиҳа олади. Устоз дуосини олса, албатта, унинг иши юришади, ўзи камол топади. Лекин, афсуски, халқимиз орасида бу анъаналар унутилмоқда.

Аждодларимиз ўз вақтида маънавий, илмий мероси, ижоди билан бутун дунёга устозлик қилганлар. Улар бошқаларга эргашмаган, бошқаларни ўз ортидан эргаштирган. Биз ҳам бугун эргашувчи эмас, эргаштирувчи кучга эга бўлишимиз керак!

Хулоса ўрнида, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг қарий бир аср аввал айтган: «**Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё ҷамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир**» деган сўзларини эслатиб ўтиш, шу билан бирга, ҳар биримиз миллат шаъни, кадр-қиммати, миллий анъана ва қадриятларимизни ҳурмат қилишимиз, халқимизнинг диний, маънавий ва ахлоқий қарашларини асосий мезон қилиб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Барча хайрли ишларимизда Аллоҳ таоло мададкор бўлсин!

«Ishonch» муҳбири Зебо НАМОЗОВА сўхбатлашди



